

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

10.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

тобора ортиб бораверади. Бироқ юқоридаги ҳолатда кўринганидек, аслиятдаги бир жиҳат моҳиятига чуқур кириб, бошқасини эътибордан четда қолдириш аслиятни таржимада мавҳумлаштиришга, маъно-моҳиятга путур етказилишига олиб келади.

“Бобурнома” асарининг немисча таржимасида баъзи камчиликлар бўлишига қарамасдан, бу таржима Бобур шахсига қизиққан ҳар қандай немис ўқувчисини ўзига ром эта олади.

Джабборова Матлуба Рустамовна (Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси, e-mail: mdjabborova86@mail.ru)
Саолибийда Жамшид Сиймоси

Аннотация. Мазкур мақолада бадиий адабиётда машҳур бўлган афсонавий шоҳ Жамшид образининг пайдо бўлиши, тарихий тараққиёти арабийнавис тарихчи ас-Саолибийнинг “Гуран ал-ахбор” асари орқали қўзғатилган. Анъанавий Жамшид образининг тарихий асарлардаги ўзига хос талқини, образга хос хусусиятларнинг ривожланиши ва бадиий асарга кўчиши каби масалалар таҳлил этилган.

Аннотация. В статье благодаря труду арабского историка аль-Саалиби «Гуран ал-ахбар» можно проследить появление и историческое развитие образа легендарного царя Джамшида, известного в художественной литературе. Анализируются такие вопросы, как специфическая интерпретация традиционного образа Джамшида в исторических произведениях, развитие характерных для образа особенностей и переход к произведению искусства.

Annotation. In this article, the appearance of the image of the legendary king Jamshid, known in fiction, and its historical development can be traced through the work of the Arab historian al-Saaliби, “Gurur al-akhbar”. Issues such as the specific interpretation of the traditional image of Jamshid in historical works, the development of features characteristic of the image and the transition to a work of art are analyzed.

Калим сўзлар: тарихий асар, бадиий қиёфа, анъанавий образ, манба, мифологик образ.

Ключевые слова: историческое произведение, художественный образ, традиционный образ, источник, мифологический образ.

Key words: historical work, art image, traditional image, source, mythological image.

Шарқ халқлари адабиётидаги кўпгина анъанавий сюжет ва образларнинг илдизи “Авесто”дан озиқланган. Хусусан, бадиий адабиётдаги Жамшид образи ҳақидаги дастлабки маълумотлар илк бор мазкур манбада қайд этилган, кейинчалик, оғзаки ҳамда ёзма манбаларга кўчган. Жамшид образининг пайдо бўлиши, бадиий адабиётга кириб келишини тарихий асарлар орқали тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Жамшид образининг бадиий қиёфаси илк бор Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида учрасада, Фирдавсий билан бир даврда ижод қилган Абу Мансур ас-Саолибийнинг “غرائب ملوك الفرس وسيرهم” (“Эрон подшоҳлари ҳақида хабарлар ва уларнинг тарихи”) асарида ҳам Жамшид тарихи мустақил мавзу сифатида киритилган ва ўзига хос талқин этилган.

Профессор И.Абдуллаев Саолибийнинг “Шоҳнома”сини Фирдавсий “Шоҳнома”си билан қиёслади, улардаги ўхшаш жиҳатларни аниқлайди. “Эрон подшоҳлари тарихига бағишлаб икки йирик асар бир вақтда яратилди. Бири шеър билан форс тилида, иккинчиси наср билан араб тилида ва икки ака-ука ҳукмдорга тақдим этилди. Саолибий “Шоҳнома”си 54 бобдан иборат бўлиб, мазмун жиҳатдан Фирдавсий “Шоҳнома”сидан фарқ қилмайди”, деган хулосага келади.¹

Саолибийнинг мазкур асари Ҳ.Зотенберг томонидан француз тилига таржима қилиниб, 1900 йил “Histoire des rois des Perses” (“Форс подшоҳлари тарихи”) номи билан Францияда нашр этирилади. Ушбу нашрда асл манба араб тилида ва унинг француз тилидаги таржимаси параллел келтирилган. Биз таҳлил жараёнида мазкур манбага мурожаат қилдик.²

Саолибийнинг “Форс подшоҳлари тарихи” асари 1019 йилда Ислом тарихи ҳамманинг диққат марказида бўлиб, эронийлар тарихига эса эътибор анча сусайган даврда ёзилган. Шу сабабли Саолибий ўз асарида ислом тарихи билан умумтарихни уйғунлаштиришга ҳаракат қилган.

¹ Абдуллаев И. Марказий Осиёда Ислом маданияти. Тошкент, “Шарқ”, 2005, 171-бет.

² Tha’alibi, Abu Mansur. Ghurar Akhbar Mulak al-Furs wa-Siyarihim. ed. and trans. H.Zotenberg. Paris, Imprimerie Nationale, 1900.

Саолибий биринчи яратилган инсон Каюмарс деган мунозарани бошлаб беради. Шу билан бирга, мусулмонларда илк инсон Одам аллайҳиссалом эканлигини ҳам қайд этади. Бу мавзу олимлар томонидан кўп бахslashусларга сабаб бўлади. Охир-оқибат, улар мифологик образ Каюмарс “мусулмонларнинг тарихида биринчи яратилган инсон – Одам”нинг ўғли деган хулосага келишади. Бу умумсулолавий тарихнинг битилиши кейинги даврлар учун муҳим бурилиш ҳисобланади. Ҳатто Саолибийга хос бўлган бу қараш анъанага айланади.

Саолибий ўша даврда кенг тарқалган маълумот – Жамшид ва Сулаймон образининг бирлашувига қарши эканлигини билдиради. Бу қараш замирида жуда катта хатолик мавжудлигини, улар яшаган давр оралиғидаги катта тафовут ҳам уларнинг бир шахс эмаслигига исбот бўла олишини таъкидлайди. Саолибий “Жамшид худди Сулаймон каби инс-жинс ва девларни ўз измига бўйсундирганлиги сабабли шундай қараш юзага келган бўлиши мумкин”, деб ҳисоблайди.¹

Саолибий асарда Жамшиднинг яратувчилик фазилатларини улуғлайди, мамлакатда одамларни касб-ҳунарига қараб тўрт гуруҳга ажратганини қайд этади. Муаллиф, айниқса, Жамшид подшоҳлиги даврида одамлар қарилик, ўлим, очлик ва сувсизликдан йироқ бўлишганини алоҳида таъкидлаб, Жамшиднинг эзгу хислатларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилади.

Жамшиднинг одамларни тўрт табақага ажратгани ҳақида Фирдавсий ҳам ёзган эди. Демак, Саолибий Фирдавсийнинг асарини шунчаки насрга айлантирмаган, балки “Шоҳнома”даги тафсилотларга ижодий ёндашиб, анъанавий сюжетнинг тўлиб боришига муайян даражада ҳисса қўшган.

“Форс подшоҳлари тарихи”да ҳам бошқа манбалар каби Наврўзнинг нишонланиши Жамшид номи билан боғланади. Саолибий воқеани шундай тасвирлайди: “Елкасидан илон ўсиб чиққан жин ер юзи ва самода бемалол саёҳат қилиб юрар эди. Одамлар кўрққанидан кўчага ҳам чиқишолмас эди. Бир куни Жамшид “Дамованд”дан “Бобил”гача унинг йўлини маҳкам тўсиб қўйди. Бу воқеа Фарвардин ойининг Хурмузд кунида содир бўлди ва бу кун баҳорнинг биринчи куни, Иблиснинг яксон бўлиши ва йил бошланишининг биринчи тонги сифатида нишонлана бошланди. Одамларнинг айтишларича, Наврўз деб аталадиган ушбу янги ва бахтли кун Жамшидга Худо томонидан берилган иноят ва ҳадядир. Ушбу кунда инсонларнинг барчаси сайрга чиқишган”.² Елкасидан илон ўсиб чиққан Иблис образи – қаҳратон қишдир. Унга даҳшатли ва кўрқинчли қиёфа бериш мақсадида муаллиф шундай тасвири қўллайди. Саолибий “Авесто”даги мавжуд сюжет ва тасвирлардан ўзига хос фойдаланади, айниқса, елкасидан илон ўсиб чиққан иблис қиёфасида қаҳратон қишни тасвирлаши асар бадииятини ҳам оширган.

“Форс подшоҳлари тарихи”да Жамшид уч юз ўттиз йил давомида одамларга тинч ва қулай шароит яратиш берганлиги, инсонлар очлик, уруш, зилзила, тўфон, жазирама иссиқ, қаҳратон совуқ ва бошқа офатларни кўрмай яшаганлиги қайд этилади. Жамшид замонида одамлар бахтсизлик, шармандалик ва ноаҳиллик деган тушунчаларни унутишади. Жамшид инсониятга тўқис ҳаёт бахш этади.

Саолибийнинг асарида Жамшид билан боғлиқ воқеалар, асосан, “Авесто” сюжети асосида баён этилган. Саолибий ўз асарида Жамшиднинг “Авесто”даги жасоратларини мадҳ этиш баробарида, инсониятни муқаррар бўлган қарилик ва ўлимдан асраши ҳақидаги воқеаларни тилга олмайди. Яъни, “Авесто”да мифологик образ сифатида талқин этилган Жамшидни бир қадар ҳаётий қаҳрамонга айлантиради.

“Форс подшоҳлари тарихи”даги кейинги воқеаларда анъанавий сюжет чизиклари деярли ўзгармайди. Жамшид кашфиётлар қилгач, ғурурга берилиб кетади: “Жамшид ҳунарларни кашф қилгач, чексиз шон-шухратга эга бўлади, ўзининг буюк ҳукмронлигини ўрнатади. Одамларнинг узок яшаш сирларини топади, шундан сўнг у ўзгаради. Жамшидда манманлик, беорлик, такаббурлик хислатлари пайдо бўлади, у одамларга “Мен сизларнинг буюк худонгизман” дейди ва халқни ўзига топинишга даъват қилади”.³ Халқнинг ундан кўнгли қолади. Ҳамма унга қарши бўлади. Одамларнинг Жамшидга бўлган юксак эҳтироми нафратга айланади. Унинг учун бахтсизлик кунлари бошланади. Шунда асли яманлик ал-Даҳҳак ал-Хумайри (Заҳҳок – М.Ж.) Жамшидни маҳв этиш учун

¹Tha'libi, Abu Mansur. Ghurar Akhbar Mulak al-Furs wa-Siyarhim. ed. and trans. H.Zotenberg. Paris, Imprimerie Nationale, 1900, p. 10.

²Tha'alibi, Abu Mansur. Ghurar Akhbar Mulak al-Furs wa-Siyarhim. ed. and trans. H.Zotenberg. Paris, Imprimerie Nationale, 1900, p. 13.

³Tha'alibi, Abu Mansur. Ghurar Akhbar Mulak al-Furs wa-Siyarhim. ed. and trans. H.Zotenberg. Paris, Imprimerie Nationale, 1900, p. 16–17.

изига тушади. Жамшид ундан яширинади. Саолибийнинг ҳикоя қилишича, Заҳҳок Жамшидни 500 йил кидиради (“Шохнома”да эса 100 йил дейилган – М.Ж.) ва ушлаб қатл этади.

Саолибийнинг Жамшид образини тасвирлашда ўзигача бўлган тарихий асарлардан фаркли равишда Жамшидни ўта манман ва такаббур шахс қиёфасини жонли тасвирда ва ишонарли қиёфада яратади. Шу билан бирга, Саолибий Жамшиднинг яратувчанлик хусусиятини ҳам мадҳ этади. Маданий турмуш тарзининг ривожланишдаги роли беқиёс эканлигини таъкидлайди. Саолибийнинг асарида Жамшид, ҳатто ғалаён кўтарган исёнчи жинларни ҳам маҳв этиб, уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этгани алоҳида тилга олинади.

Демак, Жамшид образи бадиий адабиётда икки хил қиёфада: такаббур ва бунёдкор шахс сифатида, мураккаб характерда тасвирланиши Саолибий асарида давом этган ва яққолроқ намоён бўлган. Бизнингча, Саолибий “Форс подшоҳлари тарихи”ни ёзишда бошқа манбалар билан бирга Фирдавсий даҳосидан ҳам баҳраманд бўлган. Зеро, “Шохнома”даги бир неча лавҳа Саолибийда ҳам мавжуд. Саолибий ушбу маълумотларни, асосан, тарихий усулда ёритишга урғу берган бўлса-да, мазкур асарда қаҳрамоннинг бадиий қиёфасини ҳам кўриш мумкин. Мазкур маълумотлар кейинчалик бадиий адабиётдаги анъанавий Жамшид образининг пайдо бўлишига, ўзбек адабиётида Жамшид образи бош қаҳрамон сифатида талқин этилган “Қиссаи Жамшид”нинг яратилишига замин ҳозирлаган.

Тангиров Низом Абдурахмонович (ТДПУ тадқиқотчиси) НООСФЕРА КОНЦЕПЦИЯСИНING ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Ноосферани биосферани замонавий ҳолати сифатида ҳисоблаш мумкин. У инсоннинг илмий, бадиий ва меҳнат фаолияти натижасида келиб чиққан. Мазкур рамкада мазкур цивилизация энергия таъминотини, аҳоли учун қулай яшаш шароитини таъминлаш ва техноосферанинг туганмас қолдигини бартараф этишдан иборат. Мазкур соҳада ҳали охириги ҳал қилиниши лозим бўлган масала топилганича йўқ, деб ҳисоблаш мумкин.

Аннотация. Ноосфера рассматривается как современное состояние биосферы, возникшее в результате научной, художественной и трудовой деятельности людей. В рамках каждой цивилизации решаются вопросы обеспечения энергией, создания благоприятных условий жизнедеятельности населения и удаления отходов – неизбежного конечного продукта техноосферы. Последний из решаемых вопросов представляет самостоятельную сложную проблему, путей разрешения которой пока не найдено.

Annotation. Noosphere is considered as modern state of biosphere, which appeared as a result of scientific, artistic and labour activity of people. Within the limits of each civilization the problems of energy supply, creation of favorable living environment and waste disposal – inevitable and product of technonosphere – are being solved. The latter is a separate complicated problem and the lines of approach are not found yet.

Калим сўзлар: ноосфера, ноосферология, ақлий фаолият, ноосфера эволюцияси.

Ключевые слова: ноосфера, ноосферология, разумная деятельность, эволюция ноосферы.

Key words: noosphere, noosphereology, rational activity, noosphere evolution.

Жаҳон фалсафий фикрлар тараққиёти жамиятнинг ҳолати ва характериға мос равишда ривожланиб боради. Бу эса инсон, жамият, табиат ва борлиққа умумий ёндашадиган фикрлар, ғоялар ва таълимотларни заруратга айлантиради. Ушбу ўринда XX аср назарий маҳсули бўлган Ноосфера ғояси ва таълимотини ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Ноосфера категориясининг дунёқарашга оид, ижтимоий-фалсафий манбалари тўғрисидаги тасаввурларни реконструкция қилиш (қайта тиклаш) инсоният тафаккури тарихида ноосфера ғоясининг турли жиҳатлари шаклланишининг умумий мантиғини аниқлаш имкониятини яратди. XX асрга қадар ўтмишдаги мутафаккирлар “ноосфера” тушунчасидан фойдаланмаганлар, лекин мазкур тушунча мазмуни табиат, жамият ва уларнинг ўзаро таъсири умумий концепцияси, шунингдек, онг, ақл, илмий фикр ва инсонларнинг ижтимоий меҳнат фаолиятининг табиатни оқилона қайта ташкил қилишдаги ролини тадқиқ қилиш билан боғлиқ бўлгани учун, уларнинг ғоялари ноосфера, унинг шаклланиш жараёнини тушунишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ноосфера (ақл қобиғи)нинг кенгайиши нафақат глобал муаммоларнинг олдини олувчи омил, айти пайтда, инсоният хавфсизликни таъминловчи восита, илмий ва фалсафий ма-

Ходжаниязов Сардор Умарович, Абдуллаева Наргиза Ботировна. Талабалар эстетик маданиятини туризм воситалари орқали ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари.....	95
Ходжамкулов Умид Нигматович, Абдиримова Интизор Камиловна. Жамоавий лойиҳалар – ўқитишнинг самарали усулларида бири.....	98
Расулова Зилола Дурдимуротовна. Талабаларнинг креатив компетентлигини шакллантиришда инновацион педагогик технологияларнинг илмий-методик аҳамияти.....	102
To‘xtasinova Zilola Mukumovna. Loyiha ishi orqali talabalarda mustaqil ta’lim ko‘nikmalarini takomillashtirish.....	109
Максудова Гулноз Олимовна. Инглиз тилини ўқитишнинг инновацион технологиялари: анъанавийлик ва ноанъанавийлик.....	111
Куттибекова Гулжан Тулепбаевна. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш муаммолари.....	114
Ismoilov Bobur Toxirovich. Matematik hisoblashlarni suv yordamida tasavvur etish.....	117
Mahmudova Surayyo Azizovna. The Importance of Assessment in Teaching Foreign Languages.....	121
Daukaeva Khalida. Peculiarities of Teaching English for Specific Purposes to Students of Tourism University.....	123
Khalilova Lenie Fevziyevna. Efficient Use of Modern Technologies in Improving the Quality of Foreign Language Teaching.....	126
Yakubova Madina Kutfidinovna. Teaching Writing as the Method of Development of Individual Creative Thinking.....	129

INFORMATIKA

Раззаков Бахтияр, Рахимов Рахимжон, Жуманиёзов Сардор, Худайберганов Темур. «Шарикли подшипник»ни Siemens NX 10 дастурида лойиҳалаш услуги.....	132
Худайберганов Темур. Исследование 3D редакторов для изучения студентами вузов.....	136

ILMIY AXBOROT

Norova Gulsanam Maqsutovna. Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларида диалектал кўп маъноли сўзлар.....	139
Turniyazov Behzod Nigmatovich. Epistemik darajadagi kauzal munosabatlar.....	141
Нормаматов Султонбек. Элбекнинг этимологик кузатишлари.....	147
Turdimurodov Sirojiddin Eshqobilovich. Evfemizmlardan unumli foydalanishning ahamiyatlari.....	150
Турсунов Акмалжон Ҳамиджонович, Абдурахманова Дилрабо Қодиржоновна. “Бобурнома”нинг В.Штаммлер тажмиси хусусида.....	153
Джабборовна Матлуба Рустамовна. Саолибийда Жамшид сиймоси.....	156
Тангиров Низом Абдурахмонович. Ноосфера концепциясининг илмий-назарий муаммолари.....	158
Рахимова Гулсанам Аширбековна. Шеъринг асарлар таржимасида болалар руҳиятини қайта яратиш масаласига доир.....	161
Давлетов Икром Юсупович, Сапаев Умидбек Абдуллаевич. Олий таълим муассасаларида инновацион илмий муҳитни шакллантириш.....	168
Исакова Зилолахан Зокировна. Баҳо категориясида даражаланиш.....	171
Назарова Гулбахор Пирмановна. Британия фольклорида Эльф образининг генезиси ва бадиий талқини хусусида.....	174
Nishonova Shaxnoza Muhammadjonovna, Ismoilova Hilola Inomovna. Madaniy tafovutlarning transmaddaniy madaniyatlararo aloqaga ta’siri.....	178
Alijanov Oybek G‘anijanovich. Basketbolchilarning ruhiy tayyorgarlik asoslari.....	180
Болтабоев Ҳамидулло Ҳабибуллаевич. Болаларни соғлом турмуш тарзига йўналтиришда жисмоний машқларнинг асосий хусусиятлари.....	183
Мирбобоева Дилфуза Бахтиёрвна. Морфолого-синтаксические особенности речевых клише французского языка.....	187
Бакиров Поян Уралович. Книга в пословицах разных народов мира.....	190
Гаппарова Дилора Азимбаевна. Особенности перевода медицинской терминологии (на латинском, немецком и узбекском языках).....	194
Tuyboeva Gulnoza Kuvondik kyzy. Expression of Aesthetic Views in the Translation of Gazelles of Alisher Navoi.....	196